

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
«ҚХМҚИ ва ИЧТ» кафедраси

Нурматов Атхамнинг

5142000-меҳнат таълими йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун
«8-9-синфларда касбий тайёргарликгача бўлган тайёргарлик мазмуни»
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: п.ф.н.доц.Қурбонов.Б.

«8-9-СИНФЛАРДА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКГАЧА БЎЛГАН ТАЙЁРГАРЛИК МАЗМУНИ»

НУРМАТОВ АТҲАМНИНГ

Мундарижа

Кириш-----

I-БОБ. 8-9-синфларда меҳнат таълимини ўқитилиши ва ИТнинг аҳамияти.

1.1. Дастур ва йўналишлар мазмуни-----

1.2. АЛ ва КХКга тайёргарлик-----

1.3. Ўқув жараёнига таълим технологияларини жорий этиш. Таълим технологияси тушунчаси ва тамойили. Таълим технологиясининг методик сифатлари. Таълим жараёни тизим сифатида. Меҳнат таълимини ўқитишда технологик хариталардан фойдаланиш-----

II – БОБ. Ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш, касбий маданият ва миллий қадриятлар

2.1. Касб танлаш қандай олиб борилади?-----

2.2. Касбни эркин танлаш-----

2.3. Ихтисосликка доир асосий тушунчалар-----

2.4. Касб – ҳунарга йўналтиришни моҳияти ва мазмуни-----

2.5. Касб – ҳунарга йўналтиришни асосий босқичлари-----

Хулоса-----

Фойдаланилган адабиётлар-----

К И Р И Ш

Ўсмирларда касб танлашга муносабатнинг шаклланиш жараёнини янада чуқурроқ таҳлил қилиш ва унинг ўзига хос бўлган ижтимоий психологик хусусиятларни аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар асосида очиб бериш, бугунги кунда таълим – тарбия муассасалари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, бугун ҳар жиҳатдан омилкор, маъсулиятли, ташаббускор ва жамият тараққиёти учун онгли – фаол ижтимоий шахсини тарбиялаш, уни ўз салоҳиятига мос касбга йўналтира олиш нафақат таълим тизимининг, балки бутун бир давлатнинг ҳам келажак тараққиётига дахлдор бўлган туҳим вазифалардан биридир.

Қолаверса Ўзбекистонда кечаётган бугунги кенг кўлами ижтимоий – иқтисодий ислоҳатлар, бетўхтов шаклланаётган бозор муносабатлари, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланишига жавоб бера олувчи жамият ва шахс эҳтиёжларининг ўзаро узвий мутаносиблигига эришиш учун ҳам ўсмирларда касб танлашга нисбатан фаол – ижобий муносабат мотивацияси тизимини шакллантиришда жамият ва жамоатчилик таъсирини кучайтириш лозим бўлади.

Зеро, бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган Шарқ алломаларининг (Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқалар) ўнлаб асарларида таъкидланганидек, ўрта асрлардаёқ, айниқса, бизнинг худудимизда диний мактаблар, мадрасаларга толиби илмларни танлаб олиш, уларнинг ақлий тараққиёт даражасини, бирламчи билим ва малакаларини, касб ёки санъатнинг алоҳида турига мойиллиги ҳамда ички муносабатининг намоён этилишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган.

Мустақиллик йилларида ўқувчиларнинг касб–ҳунарга тўғри йўналтирилишини асослаб боришга қаратилган талайгина педагогик – психологик тадқиқотлар олиб борилди, кўлга киритилган эмпирик маълумотлар қайтадан таҳлил қилинди. Албатта, олиб борилган бу таҳлиллар кенг маънодаги ижтимоий шахсни ривожлантириш жараёнининг муҳим

томони ҳисобланган «Онгли равишда касб танлашга тайёргарлик», «Касб – ҳунар танлашга йўналганлик», «Касб танлашга у ёки бу муносабатни шакллантириш» тушунчаларини илмий – назарий тадқиқ қилиш, бу борадаги муаммолар кўламига жиддий эътиборини қаратишни ҳам тақозо этади. Бундан ташқари, ўқувчи ёшларни касбга йўналтириш фаолияти жараёнидаги ташқи ва ички таъсирларнинг ўзаро мутаносиблиги мотивациясининг маҳсули бўлган касбий ўзликни англаш жараёнини келтириб чиқаради. Касбий ўзликни англаш эса, энг аввало, шу жараённинг таркибий қисми сифатида мақсадга йўналтирувчи, кучайтирувчи, коррекция қилувчи, яъни унинг ижтимоий йўналиш хусусиятларини белгилаб берувчи омил сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин. Бундай ёндашувда касбга йўналганлик фақат ташқи таъсирнинг акси эмас, балки, ички ва ташқи таъсирларнинг интеграцияси сифатида ҳам талқин этилади, ёхуд, С.Л.Рубинштейн таъкидлаганидек, «Ташқи таъсир доимо ички ҳолат учун бир восита бўлиб қолаверади».

Ушбу мавзунинг долзарблиги: Жамиятда кечаётган ижтимоий, иқтисодий ислохотлар, шаклланаётган маданият бозор муносабатлари, ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланиши, фан ва техниканинг тараққиёти қизғин кечаётган даврда жамият ва шахс эҳтиёжларининг узвий мутаносиблигига эришиш ёки уни таъминлаш осон иш эмас. Бу қарама – қаршиликларни «Силлиқлаш» учун ёшларда касб танлашнинг ижобий мотивларини шакллантиришда жамият ва жамоачилик таъсирини кучайтириш керак. Бу ҳаётий долзарб вазифани ҳал этишда албатта оила ва мактаб, маҳалла ва жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва бошқа тузилмалар яхлит тизим сифатида бир мақсад атрофида уюштирилари лозим.

Ишнинг мақсади: маълумки, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касбга йўналтириш уларни маълум касбий тайёрлов йўналиши бўйича, ўрта махсус, касб – ҳунар таълими тизими турини ўз имконият, қобилият ва қизиқишлари асосида онгли, эркин, мустақил танлашга тайёрлашнинг илмий – амалий тизими ҳисобланади. Узлуксиз таълим

тизимида касбга йўналтириш ҳар бир ўқувчига ўзлигини англаш ва бетақроқ ўзига хослиги асосида ҳам ҳаётий, ҳам касбий истиқболини белгилашда ёрдам беради.

Ишдаги янгилик: ўқувчиларни касб – ҳунарга йўналтириш ишларини ҳозирги ҳолати, уни мақсади, вазифалари, моҳияти ва мазмуни бажариладиган ишларнинг кетма – кетлиги ёрқин очиб берилган.

Натижа: касб танлаш инсон ҳаётидаги энг муҳим масаладир. Зеро, реал турмушда унинг бирор касб – ҳунарни мукамал эгаллаб, етук мутахассис бўлиши зарурий ҳолдир.

Ишнинг аҳамияти: болаликда касб – ҳунар ёки мутахассислик учун зарурий билим, шахс сифатлари ва бошқа талаблар эътиборга олинмайди. Инсон орзуларини реалликка айланиши эса унда маъсулият жавобгарлик туйғусини пайдо қилади. Ўқувчи – ёшларни эртанги тақдири ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Чунки улар олдида жиддий ҳаётий масала – касб – ҳунар танлаш муаммоси турибди. Бу муаммони ҳал қилишда битирув малакавий ишимиз яқиндан ёрдам беради.

I-БОБ. 8-9-СИНФЛАРДА МЕХНАТ ТАЪЛИМИНИ ЎҚИТИЛИШИ ВА ПТНИНГ АҲАМИЯТИ.

1.1. Дастур ва йўналишлар мазмуни

Меҳнат таълими ўқувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнларидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларни ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини эгаллашларига, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатларни ва тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фанидир. Ўрта мактабдаги меҳнат таълимини шартли равишда ўқув ва унумли меҳнатга бўлиш мумкин.

Ўқув меҳнати-актив фаолият бўлиб, атрофдаги воқеяликни ва ўзини билишга қаратилган. Мақсад, куч-ғайрат ва эришилган натижалар мавжуд бўлгандагина таълим меҳнатга айланади. Ўқув меҳнати фаол фикрлаш, билимларини мустақил эгаллаш, қайта ишлаш ва ижтимоий тажрибада қўлланиш асосида қурилди. Шу асосда кишининг ўз қарашлари ва эътиқоди шаклланади. Камол топаётган кишилар фақат фан асосларинигина эмас, балки уларнинг амалий, технологик мазмуни ва тадбиқ этилишини ҳам ўзлаштириб оладилар. Шу билан бирга шу жараён амалиётни назарияга сингиб кетиши сифатида эмас, назарий ва амалий мўлжал асосларининг қўшилиб кетиши сингари намоён бўлади.

Унумли меҳнат-болалар ва катталарнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва оламни ўзлаштиришга қаратилган самарали меҳнати, шахснинг ҳозирги вақтдаги, келгусидаги жисмоний ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган моддий, маънавий маданиятини ишлаб чиқаришдир. Ҳақиқий фойда келтирадиган унумли меҳнат тарбиявий меҳнатга айланади, бунда содир бўладиган меҳнат муносабатларида унинг қатнашчиларини шахсий ва ижтимоий манфаатлари онгли ва уйғун равишда

қўшилиб кетади. Унумли меҳнат иқтисодий масалалардан ташқари тарбиявий, таълимий маълумот берадиган вазифага ҳам эгадир.

Унумли ўрта таълим мактабларида, касб-ҳунар коллежларида меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мақсади-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш уларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш, меҳнат ва касбларни кадрлашга, уларни аҳамиятини тушунишга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёрлаш орқали уларни касбгача тайёргарликни амалга оширишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларни бажариш лозим.

Таълимий вазифа-ўқувчиларни баркамол шахслар бўлиб, шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технология, техника ва ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ўргатиш, касб танлашга йўналтириш ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишга тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий вазифа-ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш жараёнида, меҳнат ва касб муносабатларида юқори ахлоқий сифатларни, меҳнатсеварликни, ватанпарварлик ва тадбиркорликни ривожлантириб боришдан иборат.

Ривожлантирувчи вазифа-меҳнат таълими машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадиий-эстетик тарбия ва таълим бериш, касб тайёргарликларини амалга ошириш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат.

Ижодий вазифа-ўқувчиларни касбгача тайёргарлигини ривожлантириш, меҳнат таълимини мазмунини такомиллаштириш орқали баркамол шахс бўлиб етишишларига ёрдам бериш.

Амалий вазифа-буюм, нарса, намуналар асосида зарурий буюртмаларни амалда бажара олиш. Ўқитувчи ўқувчиларга таълим-тарбия берувчи шахсдир. Республикамизда халқ таълими соҳасида қўйилган

вазифаларни бажаришда кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлод ўқитиш ва тарбиялашга бўлган муносабатига боғлиқ.

Меҳнат таълими ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида, меҳнат усулларини тўғри танлаш, ўқувчи амалда тўғри қўллаганини назорат қилиш керак. Ўқитувчи таъсирчан бўлиши учун ўз фанининг илмий асосларини мукамал билиши, мустаҳкам билиши, мустаҳкам меҳнат кўникмалари ва малакаларини эгаллаган бўлиши лозим. Уларни ўқувчиларга моҳирлик билан етказа олиши зарур. Фақат ўз соҳасида яхши малака ортирган ва ўз ишини устаси бўлган ўқитувчигина ўқувчиларга пухта билим беради ва ўз таъсирини ўтказа олади. Шунинг учун меҳнат таълими ўқитувчиси ўзининг методик-педагогик ва маҳсус тайёргарлигини мунтазам ошириб бормоғи лозим. У фақатгина педагогика фани, техника ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлардан хабардор бўлиб қолмасдан, илғор меҳнатва хунар усулларини ҳам билиши зарур. Ўқитувчи талабчан бўлиши керак, унинг обрўси ўқув машғулотлари жараёнларида ўсиб ва таркиб топиб боради. У ўзининг ўқувчилар олдидаги обрўсига доимо ғамхўрлик қилмоғи лозим. Агар ўқитувчи ўз вазифасига юзаки қараса, унинг сўзлари билан ишлари бир-бирига мувофиқ келмаса, ўқувчилар билан муносабатларда ҳолисона йўл тутмаса, унинг обрўси тезда йўқолади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўқувчиларда, халоллик, камтарлик, қатъийлик, ўртоқлик, дўстлик масъулиятни сезиш хиссини таркиб топтириши лозим. Ўқувчилар билимининг сифати кўпроқ ўқитувчининг ўқув йилига ва ҳар бир дарсга тайёрланишига боғлиқ бўлади. Ўқув жараёнини режалаштириш ўқувчини дарсга тайёрланишида асосий ўрин тутди. Ўқув йили режалаштириш орқали ўқитувчи ва ўқувчини устахонадаги касб-хунар таълимининг вазифа ва мақсадларга кўра бажарадиган барча ишларни олдиндан кўриш мумкин. Ўқув йилини режалаштиришда касб-хунар таълими бўйича ўқитиладиган фанларнинг дастури асос қилиб олинади.

Ўқув йилини режалаштиришда ўқитувчи бир қанча дидактик вазибаларни ҳал қилади.

-меҳнат таълими фанининг дастури бўлимларига мос ҳолда ўқув жараёнини моддий жиҳатдан ўз вақтида тайёрлаш имконини беради. Ўқув устахоналарини янги замонавий асбоб-ускуналар ўқув кўргазма манбалари аввалдан маълум бўлади.

-меҳнат таълими фанининг мазмуни бошқа фанлар мазмуни орасидаги боғланиш ёритилади. Ўқитувчи ўқув материални алоҳида дарсга тақсимлаб, бошқа фанлардан олган билимларини аниқлайди, фанлараро дидактик боғланишни таъминлайди.

-ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан бажариладиган ишлар (тайёрланадиган буюмлар) хили аниқланади.

-ўқувчилар билан олиб борадиган дарсдан ташқари ишлар аниқланади.

-айрим йиллик якунларни чиқаришда ўқув режани бажарилиши текширилади.

-таълим жараёнини юқори ташкилотлар томонидан назорат қилинади.

Ўқитувчининг ўқув йилига тайёргарлиги қуйидагича олиб борилади: янги ўқув йилига тайёргарлик жорий йилнинг тугаши билан бошланади. Меҳнат таълими ўқитувчиси устахона ва асбоб ускуналар таъмири билан ўзи шуғулланади. Янги ўқув йилини режалаштириш ўқув дастурини ўрганишдан бошланади. Дастурдаги ҳар қайси синф ўқувчиларини ўзлаштириши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар ва бўлимлар мавзулари билан танишиб чиқилади. Ҳар қайси синф учун ўргатиладиган буюмлар танланади, ўқув дастурларига мослиги аниқланади.

Ўқитувчи янги ўқув йилига тайёрланишда ўқувчиларни унумли меҳнатини ташкил қилишни ҳам йўлга қўйиш керак. Бунинг учун янги ўқув йилига қадар бирор корхона, ташкилот ёки фирмалар билан шартнома тузиш лозим.

Ўқитувчининг дарсга тайёрланиши: навбатдги машғулотга доир материални танлаб тизимлаштиради, машғулот режаси ва кириш

йўриқномаси режасини тузади, ўтган дарсни таҳлил қилиб, хатоларни олдини олиш чораларини белгилайди. Ушбу дарсга доир илғор тажрибани акс эттирувчи педагогик, методик ва техник адабиётни ўрганади.

Илғор иш методлари билан танишиб, усулларни ўрганиш учун энг мақбул меҳнат усулини танлайди. Сўраш ва мустақкамлаш вақтида якуний йўриқномада ўқувчиларга бериладиган саволларни олдиндан тайёрлаб қўяди. Асбоб-ускуналар, мосламалар, жиҳозларни олдиндан тайёрлаб қўяди.

Зарурий кўргазмали қуролларни танлаб намойиш этиш вақтини белгилайди. Дарс режаси қанчалик тўла батафсил ёзилган бўлса, у ўқитувчига шунча кўп ёрдам беради. Ҳар бир дарс режаси куйидагича бўлиши мумкин:

1. Дарснинг мавзуси, мақсади ва вазифаси;
2. Меҳнат объектлари;
3. Дарс жиҳози;
4. Дарснинг бориши.

Дарснинг мақсади ва вазифаси машғулот мавзусига боғлиқ бўлади, яъни машғулот нимага бағишланганлигига қараб белгиланади. Дарсга уч хил мақсад қўйилади.

1. Таълимий мақсад-ўқувчиларга назарий билим берилади;
2. Тарбиявий мақсад-берилаётган билимлар асосида ўқувчилар тарбиялаб борилади.;
3. Ривожлантирувчи-ўқувчиларда ўтилган мавзуси ҳаёт билан солиштириш малакалари шакллантирилади.

Мақтаб ўқитувчисининг об'ярсининг унинг маънавияти, савияси, билим доираси, дунёқарашининг кенглиги, қолаверса ўз фанини пухта билиши ҳамда ўз устида ишлаши билан белгиланади. Ўқитувчи об'ярсини белгиловчи мезонлар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

-энг аввало ўқитувчи билимдон бўлсин!

Ўз фанини севсин, ўз фанини устаси бўлсин, фанига доир барча янгиликлардан хабардор бўлиб юрсин. Шунда уни ҳеч ким енга олмайди.

-ўқитувчи ижодкор бўлсин!

Ижодкорлик инсонни янгиликга чорлайди, дунёқарашини ўстиради, билимини чархлайди. Ижоднинг чегараси йўқ ҳар бир дарснинг янгиликлар билан бойитилиши бўйича чегара билмайди, ҳар бир дарс янгиликлар билан бойитилган ҳолда юксак ижодийликка эга. Янгиликсиз дарс болани зериктиради, чарчатади. Ижодкорлик инсонга руҳ бағишлайди.

-ўқитувчи ҳалол инсон бўлиб танлсин!

Ҳалол инсон зийнати. Озгина таъмагирлик инсон қалбидаги меҳрни сўндиради. Ўқитувчи шахси мол-дунёдан, пулдан, амалдан устун турадиган инсон шахсидир. Ҳалоллик иймоннинг мезонидир.

-ўқитувчи тadbиркор бўлсин!

Синфдаги, мактабдаги, оиладаги, ижтимоий муносабатлардаги барча муаммоларнинг ечимини ўз вақтида топа билсин. Шунда ҳаётда қийналмайди, бировга муҳтож бўлмайди. Хеч ким уни камсита олмайди.

-ўқитувчи меҳрибон бўлсин!

Ҳаётда шундай дақиқалар бўладикки, бир оғиз яхши гап инсонга ҳаётга қайтаради. Ўзгаларга яхшилик қилиш барчанинг ҳам кўлидан келавермайди. Ҳар қандай инсон қийин дақиқаларда меҳрга, тўғри маслаҳатга муҳтож бўлади. Ана шу пайтда устозни ёдлайди. Устоз ўғитларига, маслаҳатига интилади. Устозининг ўғит-насихатлари эса унга мадад, ярасига малҳам бўлади. Муқаддас Ҳадисларда айтилишича дилозорлик энг ёмон иллат. Хеч кимнинг дилини оғритманг. Меҳр берсангиз меҳр қайтади.

-ўқитувчи ширин сўз бўлсин!

Маҳаллада, оилада, ҳамкасблар орасида, ўқувчилар орасида энг ширин сўз шахс сифатида танилсин. Зеро ширин сўз-жон оғизи. Ширин сўз инсон ҳаётда ёлғиз қолмайди. Аччиғи келганда ўзини тута билганлар мўминлардандир, дейилади ҳадисларда.

-ўқитувчи талабчан бўлсин!

Талабчанлик пасайган жойда лоқайдлик авж олади. Лоқайдлик иймоннинг сустлашувига олиб келади. Иймони суст одамдан жамиятга хеч

кандай наф йўқ. Лоқайдликни йўқотиш учун эса талабчанликни кучайтириш керак. Талабчанлик инсонда масъулиятни тарбиялайди.

Инсоннинг шахс сифатида камолга етиши унинг ёшлигидан, ўқувчилик давридан шакллана боради. Устоз, муаллим эса қалб меъмори. Шунинг учун ушбу касб эгалари ҳаётни теран хис қилмоқлари, ҳар тарафлама юксак чўққида турмоқлари лозим.

Билим бериш учун авваламбор устоз ўзи билим олишга интилиб, изланиб яшаши шарт. Ана шундагина пок, мурғак қалбларга эзгулик уруғи сочилади. Бу дунёда ҳар бир устознинг шогирди камолини кўришдан ортик қувонч бўлмаса керак.

Марказий Осиёда жуда қадим замонлардан бошлаб фарзандларни ўқитиш ва уларга савод бериш одоби бўлган. “Авесто” таълимотига кўра фарзанд улғайгач, ота-онаси, албатта, унинг таълим-тарбия олишига шароит яратиши шарт эди. Отанинг фарзандига савод бериши, унинг учун ҳам қарз, ҳам фарзлиги ҳақидаги тушунча ҳадисларда ҳам бир неча бор эслатиб ўтилган.

Замон талабига мос билим бериш ўқитувчи зиммасига инсон ва унинг жамиятдаги ўрнига ҳар томонлама жавобгарлик билан қараш вазифасини юклайди. Педагогнинг муҳим вазифаси фақат тарбиянинг янги шакллари, воситалари ва усулларини эгаллашгина эмас, балки уларни татбиқ этишнинг алоҳида йўллари излаш ва ҳар бир муайян ҳолатда уларни бирга қўшиб олиб боришдан иборатдир. Бунда ўқитувчининг ўзи замонавий педагогик технологияларни яратишда шахсни тарбиялашда анъанавий самарали усулларини танлашда ижодкор бўлиши катта аҳамиятга эгадир.

Дарс ўтишда ўқитувчига кўп талаблар қўйилади. У авваламбор, ўқувчига шахс сифатида қараши лозим.

Муаллим ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини ўзида мужассам этиши, ўқувчи кўз ўнгида чинакам сабоқ, ҳаёт таълимини берувчи устоз сифатида намоён бўлиши зарур, деб ўйлайман. Сабаби, ўқитувчи фаол ва самимий, ўқувчи учун ҳақиқий дўст ва устозлик маҳоратига эга бўлсагина,

Ўқувчи дарсларга ўз хоҳиши билан келади ва устозини алоҳида ҳурмат, эъзоз билан кутади.

Ўқитиш икки баравар ўқиш демакдир. Ўз ишига виждонан ёндашадиган мураббийлар бутун умр бўйи янгиликлар топиб, изланиб яшайдилар. Замонавий дарслар самарали бўлиши ва юқори савияда ташкил этилиши учун ушбу мезонларга жавоб бериши лозим деб ўйлайман:

1. Ўқитувчи бугунги дарсида ўз олдида қўйган мақсадларини амалга ошира олдими?

2. Ўқувчилар дарсдан қониқиш ҳосил қилиб янги билим, малака, кўникмаларни ўзлаштира олдими?

3. Ўқитувчи билан ўқувчи орасида самимий муносабат ўрнатилдими?

Албатта ҳар бир дарсда миллий меросимиз, кадриятларимиз, маданиятимиз хазинаси, бебаҳо санъатимиз, буюк аждодларимиз ўғитлари, хикматга тўла ҳадисларимиз, ривоятлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнини инсонпарварлаштиришда ўқитишнинг ноанъанавий усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда “Муаммоли вазиятларни ҳосил қилиш”, “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “7x7”, “Зиг-заг”, “Бахс-монозара” каби усуллар таълимни фаоллаштириш, ўқувчининг изланишларини таъминлаш, уларда ижодий тафаккурни ҳосил қилиш, шунингдек, дунёқарашини бойитишда ўзига хос аҳамиятга эга.

Шогирдлар одоби ҳақида Хусайн Воиз Кошифий “Ким билан дўстлашиш керак?” рисоласида қуйидаги мезонлар ҳақида тўхталиб ўтган:

- аввало ўз ишига яхши муносабатда бўлиши;
- ўз ишига эътиқод қўйиш ва унга ишониш;
- устози олдида ўз ножўя ҳаракатларини тарк этиш;
- кўриш лозим бўлмаган ҳамма нарсалардан нигоҳини олиб қочиш;
- эшитиш мумкин бўлмаган нарсаларга қулоқ солмаслик;
- нолойиқ ишлардан қўл тортиш;
- устозига зид бўлган кишилар билан муомала қилмаслик.

Шу нуқтаи назардан, ўқитувчи ўқувчиларга нафақат билим балки ёш авлоднинг ахлоқий-касбий сифатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кун, ўқитувчи олдида ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этишни, ўқувчи шахсига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартиришни ва таълим муассасаларида ўтказилаётган дарс жараёнларини замонавийлаштиришни тақозо этмоқда. Замонавий дарс унда ўқитувчи ўқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, ўқувчи ақлий потенциални ишга солиб, ривожланишини таъминлайдиган дарсдир. Ҳар бир ўқитилаётган дарс ҳам объект, ҳам субъект сифатида ўқувчига йўналтирилиши лозим. Бу жараённинг ташкилотчиси, олиб боровчиси ва таҳлил этувчиси ўқитувчидир. Ўқитувчи дарс мавзусини илмий назарий ва амалий методик жиҳатдан пйхта билиши, уни ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлай олиши, ўқувчига унинг истак-ҳохиши, эҳтиёжига мос ҳолда содда, равон, тушунарли тилда етказиб бериши лозим. Бу эса, биринчи навбатда, ўқитувчининг дарсга қай даражада тайёрланганлиги билан белгиланади.

Дарсга тайёргарликни нимадан бошлаш керак?

-дарсни мавзусини аниқлаш ва уни шакллантириш;

-ўқув курсида мавзунинг ўрни ва ролини белгилаш.

Иккинчи навбатда ўқитувчи дарс мавзуси мазмунини тўла очиб бериши учун белгиланган дарс босқичларини мукамал, маълум бир кетма-кетлик асосида ташкил этиши зарур. Булар:

-дарснинг ташкилий қисми;

-ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, уйғу берилган вазифани сўраш ва такрорлаш;

-янги мавзу баёни;

-мустаҳкамлаш, умумлаштириш;

-ўқувчиларнинг билимини баҳолаш;

-уйга вазифа бериш.

Ушбу дарс босқичлари муайян бир қолип эмас, ўқитувчи ўтиладиган ўзининг ҳар бир дарсини, мавзуни мураккаблик даражасини, мавжуд шарт-шароит ва ўз маҳоратидан келиб чиққан ҳолда, бу жараёни турли хил тартибда ташкил этиш мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи дарсдаги 3 муҳим босқич-ташкилий, асосий ва якуний қисмларни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Шу асосда дарснинг ривожлантирувчи, таълимий ва тарбиявий функциялари изчиллик билан амалга оширилади.

Дарсдаги босқичларда нималарга эътибор қаратиш лозим?

-дарс учун шарт-шароит, зарурий жиҳозларни тайёрлаш, ўқувчилар давоматини аниқлаш;

-ўқитувчи томонидан дарс мавзусига мос машқ (фаоллаштирувчи) ва усулларнинг энг қисқа вақт талаб этувчисини танлаб олиш;

-синфхонасида дўстона муҳит яратиш;

-лозим бўлганда ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиб фаолият олиб бориш.

Айнан дарснинг ташкилий қисмида маънавий-маърифий, ижтимоий ва сиёсий ахборотларни ўқувчиларга етказилган ҳолда, савол-жавоб жараёнини ташкил эта олиш ҳам дарс сифатини оширишга ёрдам беради

Дарснинг асосий қисмида:

-ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш ва унинг янги мавзу билан боғланишига эътибор қаратиш;

-ўқитишнинг техник воситаларидан (компьютер, кадаскоп, видеопроектор) мақсадли, самарали фойдаланиш ва уларни дарс жараёнида қўллашда қисқа вақт оладиган усулларни танлаб олиш;

-ўқувчиларни турли хил муаммоли вазиятга тушириш орқали уларда мустақил фикрлаш, фаоллаштириш, гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини шакллантириш;

-ўқувчиларга ўз-ўзини баҳолаш имкониятини яратиш;

-янги мавзуни тушунтиришда ўқувчиларни мақсад сари аниқ йўналтириш;

-янги мавзуга оид атамалар билан алоҳида ишлаш.

Мана шу тартиб асосида дарснинг муаммоли, замонавий тарзда ташкил этилиши, илғор педагогик усуллардан самарали фойдаланиш, кўзланган мақсадга эришишда алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир дарс ўқувчини хайратлантирсин, узок вақт ёдида қолсин. Бунинг учун қизиқарли факт, воқеа, илғор тажриба ва ностандарт ёндашиш, мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Дарснинг якуний қисмида:

-дарс якунида ўқувчига, мен билардим, дарсда билиб олдим, билишни хошлайман ва бошқа турли хил усуллардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Дарс якунида ўтилган мавзу умумлаштирилиши ва албатта хулоса қилиниши лозим;

-ўқувчини ҳақиқий ва тўғри баҳолаш, рағбатлантириш жараёнини ҳам маҳоратли ўқитувчи диққат марказида тутати;

-ўтилган мавзу юзасидан ўқувчиларга уйга вазифа бериш нафақат ўқитувчи балки ўқувчи учун ҳам қизиқарли ва мароқли бўлиши ўтилган дарснинг муваффақиятидир.

Ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёрланишда қуйидаги асосий жиҳатларни эътиборга олмоғи зарур:

-ДТС талабларидан ҳамда мавзудан келиб чиққан ҳолда, дарсга таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни тўғри қўйиш ва дарс давомида уларга тўлиқ эришиш;

-дарс мавзуси мазмунини ўқувчига содда, раво ва тушунарли тарзда тушунтириш;

-ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мос метод ва усулларни танлаш олиши;

-дарсда кўргазмаларни қуроллардан самарали фойдалана олиши;

-дарс мазмунига, миллий ғоя, қадриятлар, аъаналар ва ватанпарварлик хис-туйғуларни сингдира олиши лозим.

Машғулотларни режалаштириш ва уларга тайёргарлик кўриш, замонавий дарс ва уни ташкил этиш. Машғулотларни режалаштириш ва уларга тайёргарлик кўриш бир-бирига чамбарчас боғлангандир. Режалаштириш-тайёргарликнинг бир қисми бўлиб, режалаштириш хужжатларида машғулотларга тайёргарлик акс эттади. Машғулотларга тайёргарлик икки босқичда олиб борилади.

Перспектив тайёргарлик-ўқув йилига ва дастурнинг навбатдаги мавзусини ўрганишга тайёргарлик ҳамда жорий-навбатдаги дарсга тайёргарлик.

Дарс режаси-мавзу бўйича аниқ дарс ўтказиш учун асосий хужжат хисобланади. У ўқитувчи тайёргарлик ишининг натижаси бўлади. Дарс режаларини бир андозадаги мажбурий шакллари белгилаб қўйилмаган, чунки режа шакли унинг мазмуни, ўтказиш методлари, мавзу материалларини ёритиш даражаси каби дарс мазмунига, унинг таълим ва тарбия мақсадларига, келгусидаги ишлар хусусиятига, машқларни ташкил этишга, ўқитувчи маҳоратига қараб ўзгариб туради. Қуйида дарс режасидан намуна келтирамиз:

1.2. АЛ ва КХКга тайёргарлик

Касб – ҳунарга йўналтириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўқувчиларни касб – ҳунарга йўналтириш ва психологик – педагогик республика ташхис маркази ва вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бошқарма ва бўлимларида фаолият кўрсатаётган ҳудудий ташхис Марказлари томонидан босқичма – босқич ва мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга касблар олами ҳақидаги дастлабки тушунчалар, бошланғич меҳнат кўникмалари ўйинлар орқали берилди.

Умумий ўрта таълим мактабларида касб – ҳунарга йўналтириш ишлари 1 – 9 синфларда узлуксиз тарзда ўқувчиларга тизимлаштирилган касбий

ахборотлар ва касбий маслаҳатлар бериш, шахснинг психологик – педагогик ташхиси асосида амалга оширилади. Бу жараёни касбга йўналтирувчи мутахассислар, психологлар, асосий фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари амалга оширадilar. Касб – ҳунарга йўналтириш ва психологик – педагогик ҳудудий ташхис Марказлари бу ишларни мувофиқлаштиради ҳамда методик жиҳатдан раҳбарлик қилади. Ҳар бир умумий ўрта таълим мактабларида ҳар йили тузиладиган ва мактаб директори раҳбарлик қилadиган касб – ҳунарга йўналтириш комиссиялари фаолият кўрсатадилар. Комиссия битирувчилари танланган академик лицей ва касб – ҳунар коллежларининг тайёрлов йўналишларига якуний хулосалар асосида тавсияномалар беради. Касб – ҳунарга йўналтиришнинг айрим элементлари ўрта махсус, касб – ҳунар ва олий таълим муассасаларида, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бўлинмаларида, муҳофаа вазирлиги ва олий таълимдан кейинги таълим муассасаларида ҳам амалга оширилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда касбга йўналтиришнинг бир бутун яхлит тизими тўлиқ шаклланмаган. Бунинг сабаби қуйидаги муаммо ва камчиликларнинг мавжудлигидадир.

Мактабларда охириги йилларда чуқурлаштирилган меҳнат таълими ва касб – ҳунарга йўналтиришнинг ўқув ишлаб – чиқариш негизининг кескин камайиш ҳолатлари кузатилмоқда, ишлаб чиқариш корхоналари таълим муассасаларининг ўқув – моддий негизини ривожлантириш ва такомиллаштиришда ўз ёрдамларини деярли тўхтатиб қўйдилар.

Аксарият умумий ўрта таълим мактабларида замонавий талаблар асосида жиҳозланган касб – ҳунарга йўналтириш хоналари йўқ, психологик – педагогик ташхис, касбий маслаҳат ишларини ўтказишда ташкилий ишлар, ахборот ва кадрлар таъминоти етарли эмас.

Ўрта махсус, касб – ҳунар таълими муассасаларида тармоқларининг шаклланиб бориши билан бир қаторда касб – ҳунарга йўналтириш ишларининг самарадорлигини ва ўқувчиларнинг касбий қизиқишлари ва мойилликларини аниқлашга бўлган талаблар ҳам ортаётган бир пайтда

ихтисослаштирилган меҳнат таълими дарсларини ташкил этишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинмаяпти ва уларнинг касбий йўналганликлари психологик жихатдан етарлича асосланмаётир.

Касб – ҳунарга йўналтириш ҳудудий марказларига ва умумий ўрта таълим мактабларига асосий маълумоти тўғри келадиган ва амалий иш тажрибалари етарли бўлган кадрларни танлаб олишда қийинчиликлар мавжуд.

Ўрта махсус, касб – ҳунар таълими тизимида ўқувчиларни мойиллик ва кизиқишлари бўйича қабулдан танлов асосидаги қабулга ўтилди (асосан академик лицейларда) ёки, аксинча, нуфузли бўлмаган тайёрлов йўналишидаги касб – ҳунар коллежларига ёппасига қабул қилиш ҳоллари учрамоқда. Олий ўқув юртларига эса абитуриентлар тест синовлари асосида шахсий хусусият қобилиятлари ўрганилмасдан қабул қилинади.

Халқ хўжалиги мажмуаси тармоқларидаги таркибий ва касбий – малака ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотларнинг ўз вақтида йиғилмаслиги ҳамда уларнинг тўлиқ эмаслиги касб – ҳунарга йўналтириш ишларининг самарасини пасайтирмоқда. Мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар, ўқув юртлари ва бандлик хизматлари касб – ҳунарга йўналтириш ишлари бўйича ҳамкорликка етарлича эътибор бермаётирлар.

Балоғат ёшидаги иш билан банд ва банд бўлмаган аҳоли қатламларини касб – ҳунарга йўналтириш ишларининг асосий йўналишлари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан қўллаб – қувватланмоғи лозим бўлгани ҳолда ҳозирги кунда аҳолининг бу қатламини касб – ҳунарга йўналтириш ишлари ташкилий ва молиявий жихатдан қўллаб – қувватланмаяпти.

Меҳнатга яроқлилиги чекланган аҳоли қатламларини касб – ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш давлат аҳамияти даражасига кўтарилган эмас.

Касб – ҳунарга йўналтириш борасидаги ишларни амалга оширувчи касб – ҳунарга йўналтириш Марказлари, умумий ўрта таълим мактаблари,

ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ҳамда олий ўқув юртлири, бандлик хизматининг тегишли давлат тузилмалари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик бугунги кун талабларига жавоб бермайди ва бу фаолият меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган эмас.

Юқоридагилар касб – ҳунарга йўналтиришнинг бир бутун тизимини шакллантириш ва ривожлантириш лозимлигини тақозо қилади.

1.3. ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Ҳозирги кунда педагогик адабиётлар, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда “Янги педагогик технология”, “Илғор педагогик технология”, “Прогрессив педагогик технология”, “Замонавий таълим технологияси” иборалари кенг қўлланилмоқда. Аммо “Педагогик технология” тушунчаси таърифи борасида бир тўхтамга келинмаган ва шунинг учун бу иборанинг бир-биридан фарқланувчи кўпгина изоҳлари мавжуд.

Республикамизнинг педагогика соҳасида фаолият юритаётган олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни татбиқ этишга интилоқдалар. Хўш, нега янги педагогик технологиялар зарур бўлиб қолди?

Бу зарурат қуйидагилар билан изоҳланади:

-биринчидан, жамиятимизнинг тараққий этган мамлаткаилар қаторида ўрин олиши ҳамда аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш;

-иккинчидан, ўқитувчи фаолиятига фақатгина ўқув жараёнининг ташкилотчиси эмас, нуфузли билимлар манбаи сифатида қаралаётганлиги;

-учинчидан, фан-техника тараққийетининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга етказиш учун вақтнинг чегараланганлиги;

-тўртинчидан, киши жамияти ўз тараққийетининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

-бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган обектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилаётганлиги.

Таълим технологияси юқорида санаб ўтилган бешта шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбиркорлик. Дидактиканинг асосчиси Ян Амос Коменский 17 асрдаёқ таълимнинг “вақт, фанлар ва услубларни моҳирона тақсимлашдан” бошқа нарсани талаб қилмайдиган умумий тартибни топишга ҳаракат қилган эди. Конскейнинг фикрича, идеалда ўқитишнинг ягона мукаммал услуби топилса, “ҳар нарса тошлари тўғри мувозанатланган соатдек аниқ, фақат ана шундай маҳорат билан яратилган асбобда эришиш мумкин бўлган беҳатолик билан илгарилайди”.

Педагогик технология оқими деярли барча ривожланган мамлакатларда тез тарқалти ва ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда қўлланилмоқда. Таълимни технологиялаштиришнинг асосини таълим жараёни ва уни самарадорлигини ошириш ҳамда таълим олувчиларнинг берилган шароитларда ва ажартилган вақт ичида лойиҳалаштириладиган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этади.

Таълим технологиясининг предмети таълим тизимининг концептуал асосларига далил келтиришдан, масадларни қўйишдан, натижаларни шакллантиришдан, ўқув материални танлаш ва структуралаштиришдан, таълим моделини танлашдан (уларни амалга оширишгача) уларни

оптималлик ва самарадорлик даражасини баҳолашга бўлган тизимни лойиҳалаштиришдан таркиб топган.

Таълим технологияси тушунчаси ва тамойили

Педагогика фани ва амалиётида, “педагогик технология”, “таълим технологияси”, “ўқитиш технологияси” каби атамалардан кенг фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, уларни тушуниш пайтида алоҳида фарқлар мавжуд.

“Технология”-юнонча икки сўздан “технос” (techne)-хаморат, санъат ва “логос” (logos)-фан, таълимот сўзларидан ташкил топган. Бу ифода замонавий технология жараёнини тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Умумийроқ қилиб педагогик технологияни ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларнинг пайдо бўлишини интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса деб таърифлаш мумкин.

Кейинги йилларда Россия билан Ўзбекистонда педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар қилинди. Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш заруриятини МДХги қирувчи мамлакатлар олимлари ичида биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П.Беспалькониинг фикрича, “Педагогик технология-бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир”.

БМТ нуфузли идораларидан бири бўлган ЮНЕСКОнинг таърифича: таълим технологияси-таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида инсон ва техника ресурслари, уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бутун ўқитиш, билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир.

Келтирилган таърифларни илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, узоқ хорижда берилган таърифлар билан МДХ мамлакатлари олимлари берилган таърифлари бир-юрига яқин келса-да, фарқи ҳам анчалигини кўрамыз. Жумладан, ЮНЕСКО таърифларида тизимли ёндашув тамойилига алоҳида урғу берилган.

Келинг шу ўринда, ижтимоий технологиялар сафига кирувчи “педагогик технология” тушунчасининг мазмунини аниқлаб олсак. Кўпчилик педагог-олимларнинг фикрича, ушбу кенг ишлатиладиган сўзлар бирикмаси инглизча “an educational technology”, яъни “таълим технологияси” ифодасини ноаниқ таржима қилишдан келиб чиққан бизнинг физнинг фикримизча, таълим технологиясига дастлаб асос солган АҚШ олимлари педагогик технологияни эмас, балки айнан таълим технологиясини назарда тутишган. Буни тушуниб етиш учун педагог атамасининг луҳавий маъносини эсга олайлик, бу атама юнонча “пайне”-бола, “агогейин”-етакламоқ сўзларидан ташкил топган бўлиб, бола етакламоқ маъносини англатади. Бундан “бола етаклаш технологияси” деган атама келиб чиқади, бу тушунча таълим технологияси мақсади ва мантиғига зид бўлиб, таълим технологиясининг ҳақиқий маъносини бермайди. Америкалик олимлар ва япон олими Сакомото “бола етаклаш” технологиясини эмас, балки таҳсил олувчилар фаоллигини таъминлайдиган, таълим жараёни самарадорлигини кафолатлайдиган технологияни яратиш ғоясини илгари суришган. Шунга асосланган ҳолда биз мазкур атамани “таълим технологияси” деб аталиши тарафдоримиз.

Таълим технологияси олдиндан белгиланган ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган, таълим жараёнида инсон ва техника ресурсларидан фойдаланишнинг лойиҳалаштирилган муайян тизими.

Таълим технологиясининг методик сифатлари

Таълим технологиясининг методологик сифатларига қуйидагилар киради:

-технологик схема (харита)

- илмий асос
- тизимлилик
- бошқарувчанлик
- самарадорлик
- кенг кўламлилик

Технологик схема (харита): технология жараёнини ажратилган функционал элементлар ва улар орасидаги мантиқий алоқаларни тасвирлаш ёрдамида шартли белгилаш.

Илмий асос: ҳар бир педагогик технология таълим мақсадларига эришиш жараёнининг маълум илмий концепциясига асосланган бўлиши керак.

Тизимлилик: таълим технологияси тизимларга хос бўлган қуйидаги барча аломатларга эга бўлиши керак:

- жараёнининг мантиқийлиги;
- барча қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги;
- яхлитлик.

Бошқарувчанлик: бунда

- мақсад қўйиш;
- режалаштириш;
- таълим жараёнини лойиҳалаштириш;
- босқичма-босқич диагностика;


-натижаларни мувофиқлаштириш мақсадида турли восита ва усулларнинг ўринлилиги каби имкониятлар таъминланиши лозим.

Самарадорлик: замонавий таълим технологияларида рақобат муҳити мавжудлиги сабабли маълум таълим стандартига эришишни кафолатлаши ҳамда натижалар бўйича самарадор, ҳаражатлар бўйича эса тежамли бўлиши керак.

Кенг кўламлилик: таълим технологиясидан исталган таълим муассасаларида фойдаланиш мумкинлиги назарда тутилади.

Таълим жараёни тизим сифатида

Таълим жараёни таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги маълум мақсадлар асосида белгиланган билим ва кўникмаларни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро таъсирлашув жараёнидир. Бу жараённи бир тизим деб қарайдиган бўлсак, таълим берувчи ва таълим олувчидан ташқари унга қуйидаги ташкил этувчи элементларни ҳам киритиш мумкин: таълим мақсади, кутилаётган натижалар, таълим мазмуни, таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, мониторинг ва баҳолаш.



Меҳнат таълимини ўқитишда технологик хариталардан фойдаланиш

Ўқитувчи ўқувчилар ҳамкорлигидаги дарсларнинг самарали ва қизиқарли бўлишига, кўзда тутилган материалларни қулай усуллар билан осон ўзлаштиришига эътибор қаратса, баён қилинадиган мавзудаги маълумотни тез ва осон ўрганишига эришади. Бундай натижага эришиш албатта, амалиётда ўқув жараёнида педагогик технологияларни, замонавий дарс усуллари кўллашни тақозо этади.

Замонавий технологиялар ўқувчиларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хулосалар келтириб чиқара олишларига ўргатади. Ўқитиш жараёнини олдиндан

лойихалаштириш имконини беради. Бунинг учун ўқитувчи ўтиладигандарнинг технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамият касб этади.

Дарсинг самарадорлиги олдиндан пухта ўйлаб тузилган машғулотнинг технологик харитасига боғлиқ. Ўқитувчи технологик харитани тузишда шу жиҳатга (дарс самарадорлигини оширишга) алоҳида аҳамият бериш лозимки, унда дарс жараёни яхлит тарзда акс эттиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини бориши тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Бунда усулда ташкил этилган замонавий дарслар ўқувчиларда мантикий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, рақобатбардош етук мутахассис бўлиб етишишларига ёрдам беради.


Меҳнат таълимини ўқитиш фанини дастурида “Меҳнат таълими ўқитувчисининг таълим жараёнидаги таъсирчанлиги ва ўқитувчини дарсга, ўқув йилига тайёргарлиги” мавзуниси ўрганиш учун 2 соат вақт ажратилган бўлиб, ўқитувчи берилган вақт мобайнида олдиндан тузилган технологик харитадан фойдаланган ҳолда дарс усулларини танлаб олиши керак. Шунингдек, машғулот давомида ўқувчи-талабаларга меҳнат таълими ўқитувчисининг таълим жараёнида таъсирчанлиги, этнопсихологик хусусиятлари (андишалилик, бағрикенглик, дилкашлик, самимийлик, ибрат-намунавийлик, сабр-тоқатлилик, саховатлилик, педагогик-одрблилик, маънавий юксаклик, касбга садоқатлилик, юксак туйғуларни эгаллаганлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик) тўғрисида ўқувчи-талабаларга чуқур маълумотлар бериш ва ўқитувчининг ўқув йилига, ҳар бир дарсга тайёрланиши, замонавий дарс ҳақида тўла тушунча бериш лозим.

Мазкур усул ўқувчи талабаларни дарс жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин ҳолда баён эта олишга ҳамда уларда бахслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб кутилган натижани беради. Дарсда кутилган мақсад эса ўрганилаётган мавзу бўйича берилган топшириқларни бажариш ва мустақил фикрларни билдира олиш, хулосалар

чиқаришга кўмаклашиш эркин ҳолда бахслашишга, ўқитувчи касбини эъозлашларига ёрдам беришдан иборат.

Қуйидаги ушбу дарс юзасидан тузилган технологик харитани хавола қиламиз: хулоса қилиб айтганда, меҳнат таълимини ўқитишни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш энг самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Технологик харита



II – БОБ. КАСБИЙ МАДАНИЯТИ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

2.1. Касб танлаш қандай олиб борилади?

Касб танлашга инсон ҳаётидаги энг муҳим масаладир. Зеро, реал турмушда унинг бирор касб – ҳунарни мукамал эгаллаб, етук мутахассис бўлиши зарурий ҳолдир. Албатта, инсоннинг касб – ҳунар билан боғлиқ болаликдаги ҳис туйғулари, орзу – ҳаёллари ёшга хос психологик хусусият билан боғлиқ. Болаликдаги касб – ҳунар ёки мутахассислик учун зарур билим, шахс сифатлари ва бошқа талаблар эътиборга олинмайди. Инсон орзуларининг реалликка айланиши эса унда масъулият ва жавобгарлик туйғусини пайдо қилади.

Ҳар қалай, ўсмирлик ёшида касб танлаш етакчи фаолият саналади. Ўқувчи – ёшлар эртанги тақдири ҳақида ўйлашга мажбур. Чунки улар олдида жиддий ҳаётий масала - касб – ҳунар танлаш муаммоси туради. Улар касб – ҳунар соҳаларининг аҳамиятли жиҳатларига алоҳида эътибор қарата бошлайдилар. Шу боис ҳам, уларнинг ёшлик давридаги ўзгаришлар касб танлаш ва касбнинг аҳамиятига чуқур назар солишга олиб келади. Бу эса уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиш мажбуриятини кўндаланг кўяди. Касб танлаш ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни бир неча турга ажратиш мумкин. Кўпинча касб танлаш мотивлари шаклланиши қуйидагиларга боғлиқлиги эътироф этилади:

- ота – она (даъвати, касб – кори, истак - хоҳиши);
- ўқитувчи;
- ўртоқлар;
- тасодифий танлаш;
- касб – ҳунар тўғрисида тўлиқ маълумотга эгалик;
- касбга қизиқиш;
- машғур кишилар;
- касбнинг жамиятдаги нуфузи;
- касб эгаларига хос хусусиятларни ўзида кузатиш ва бошқалар.

“Хўш, қайси бир мотив асосида ўсмир ёки ўспирин танланган касб анча самарали эгалланади” деган савол туғилиши табиий. Чунки бугунги кунда касб – ҳунарколлежлари ва бошқа таълим муассасаларида мутахассис бўлиш учун таҳсил олаётган кўплаб ёшларнинг бирор касб – ҳунарни мукамал эгаллаш борасида аниқ мақсади йўқ. Ҳолбуки, аниқ мақсад фаолиятнинг ижобий яқунланиши мезонларидан бири. Аниқ мақсад фаолият йўналишининг тўғрилигини кўрсатади. Аниқ мақсад ёшларни ҳаётда адашишдан огоҳ этади. Мақсад асосида фаолият юритганлар мақсадсизларга караганда анча яхши ҳаёт кечирганини кўриш мумкин.

Демак, касб танлаш оддий ҳойи ҳавасни эмас, балки аниқ мақсад ва онгли фаолиятни талаб этади. Бу масала шахснинг ижтимоий ўзи – ўзини белгилаши. Демак, жамият олдидаги масъулиятини ҳис қилиш муаммосига бориб тақалади. Чунки шахс ўзининг индивидуал эҳтиёжлари билан ижтимоий талаблар ўртасидаги мувофиқликни таъминлай олиши лозим. Кўпинча шахс, айниқса, ўқув – ёшлар ижтимоий ўз – ўзини белгилай олмаслиги боис ҳаётда бирор мавқега эриша олмайди.

Ўспирин – ёшлар касб эгаллашда касб – ҳунар ва мутахассисликнинг ижтимоий нуфузига алоҳида эътибор қаратади. Натижада касблар ўртасида кескин тафовутлашув келиб чиқади. Аслида ҳар бир касб – ҳунар ва мутахассисликнинг ижтимоий аҳамияти мавжуд. Эतिकдўз ёки тикувчининг жамиятдаги ўрни ҳисобчи ёки сотувчиникидан кам эмас. Айтайлик, нуноқроқ тадбиркордан иқтидорли тикувчи кўпроқ даромад топиши мумкин.

Касб тўғрисидаги тасаввурлар билан реал имкониятнинг мувофиқ келиши асосий шартлардан биридир. Баъзи ўспиринларнинг касб тўғрисидаги тасаввурлари реал имкониятидан анча йироқ бўлади. Бу зиддият салбий натижага олиб келади. Аксинча, имконият реал шарт – шароитга мос келса ижобий натижага эришилади.

Масалан, ҳисобчи бўлиш учун бу соҳа оид билимларни ўзлаштириш ва уларни амалиётга қўллай олиш борасида етарлича қобилият ва сабр – тоқатни талаб қилади. Соатлаб бир жойда ўтириб иш бажариши учун инсондан катта

ирода бўлиши керак. Фақат касб тўғрисидаги тасаввурларнинг ўзигина мутахассислик бўлиб камол топиш учун етарли омил бўла олмайди. Буни ўқувчи – ёшлар онгига мунтазам сингдириб бориш лозим. Юқорида билдирилган фикр – мулоҳазаларга асосланиб айтиш мумкинки, мутахассис сифатида камол топиш учун қатор масалаларга эътибор қаратилиши зарур:

- ❖ касбни онгли равишда танлаш;
- ❖ касб эгаллаш учун аниқ мақсад қўйиш;
- ❖ касб тўғрисидаги тасаввурларнинг реал ҳаётдан узоқ эмаслиги;
- ❖ эгалланадиган касбнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда амалий фаолиятда дуч келинадиган қийинчиликлар ҳақида тасаввур қила билиш;
- ❖ касбий мотивларни чет омиллар таъсирида эмас, шахс эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш;
- ❖ касбнинг ижтимоий нуфузи ва қадр – қимматини яхши билиш;
- ❖ мутахассис сифатида камол топиш узоқ вақтни талаб этишини англаш ва бошқалар.

Ушбу масалаларга эътибор бериш касб эгалламоқчи бўлган ҳар бир ўспирин, қолаверса, ўқитувчи ва ота – она учун ўта муҳим ҳисобланади.

2.2. Касбни эркин танлаш

Жамиятда яшаш учун одам маълум меҳнат фаолиятига тайёрланган бўлиши шарт. Халқ оммаси бу заруриятни доимо тушуниб келган. Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш халқ, жамият бурчи бўлиб қолган.

Меҳнатнинг тўғри ташкил қилиниши соғлом, жисмонан бақувват инсонни тарбиялаб вояга етказиш воситасидир. Одатда, жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган одамлар мушаклари яхши ривожланган, тана тузилишига, соғлом ўпка ва бақувват юракка, меёрий руҳий тизимга эга бўладилар. Меҳнатда одамнинг сезги аъзолари ривожланади ва такомиллашади, бу эса унинг эстетик тарбияланиши ва ҳар томонлама камол

топишида катта аҳамиятга эгадир. Меҳнатнинг ақлий камол топишидаги роли ҳам беқиёсдир.

Тарбиявий ишларга комплекс ёндашувни амалга оширишда меҳнатнинг аҳамияти, айниқса каттадир. Одам кучи стадиган меҳнат қила олиши билангина жамиятга фойдали, маънавий – сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни мужассамлаштира оладиган, катталар билан меҳнат қила олидаган, катталар билан меҳнат қила оладиган киши бўлиб етишуви мумкин. Ўз навбатида ғоявий – сиёсий, ахлоқий, ақлий, эстетик ва жисмоний тарбия болаларда меҳнатга ва келажакда эгаллайдиган касбларга нисбатан муҳаббатини, ижодий ташаббускорликни, назорат билимларни амалиётда қўллашни шакллантиради, уларнинг касб – ҳунар малакаси кўникмаларини тезроқ эгаллашларига имконият яратади.

Соғлом авлод жамиятнинг катта бойлигидир. Бу эса халқ фаровонлигига олиб келади. “Ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш асосидагина иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётига эришамиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашимиз мумкин” – деб таъкидлайди И.А.Каримов.

Янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналари учун кадрлар тайёрлашга киришишдан олдин кишилиқ жамиятида одамни меҳнатга тайёрлаш, ёшларни касб танлашга йўллаш ҳақида қисқа, тарихий ахборот беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Одам ўзи учун озиқ – овқат, кийим – кечак, уй – жой сингари ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат қилади. У табиатга онгли таъсир эта бошлаган даврдан бошлаб, меҳнатни ўз маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи, деб қараши билан унинг меҳнат фаолияти ҳам пайдо бўлади.

Ўз ишининг моҳири бўлган одамга унинг қайси меҳнат тури билан шуғулланиши бефарқ бўлмайди. Ўзи учун севимли ва фойдали бўлган меҳнат билан шуғулланганда, уни мукамал эгаллаганда, ўз ақл – заковатини ишга

солганда, ижодий ёндошгандагина чуқур маънавий қониқиш ҳосил қилиб меҳнат қилиши, ташаббускорлик намунасини кўрсатиши мумкин.

Бизнинг жамиятимизда фақат моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан эмас, балки ўз касбини севиш, халқи оғирини енгиллаштириш каби маънавий қониқиш билан меҳнат қилаётган одамлар ҳар доим қадрлаб келинган.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун Республикамизда кенг миқёсда амалга оширилаётган таълим ислохатларининг ҳуқуқий – меъёрий асосларини таъминлаб берган асосий ҳужжатдир. Ушбу Қонун фуқароларга таълим – тарбия бериш, касб – ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат Конституциявий ҳуқуқини таъминлайди. Ушбу дастурий ҳужжатда қайд этилган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун ўқувчиларни касб – ҳунарга йўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи машғулотларни самарали ўтказиш технологиясини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун, биринчидан, ўқувчиларни дарсдан ташқари машғулотларда касбга йўналтириш самарадорлигини оширувчи метод ва назарияларни таҳлил қилиш, иккинчидан, машғулотларни ташкил этишнинг замонавий шаклларида фойдаланиш, учинчидан ҳар бир ўқувчининг индивидуал фазилат ва сифатларини тўлароқ эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

Дарсдан ташқари машғулотларда касблар тўғрисида маълумот бериш, касбга йўллаш, касбий йўл – йўриқ кўрсатиш, касбий ва иқтисодий тарбия, педагогик – психологик ташхис ишларига асосланилган педагогик технологияни амалга ошириш жараёнини, бошқача айтганда, ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг умумий тузилмасини схематик тарзда тасвирлаб кўрсатишимиз мумкин.

Бунда педагогик тадқиқотларда асослаб берилган ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичларига амал қилиш мақсадга мувофиқ, яъни:

- **биринчи босқичда** – амалга ошириладиган технологиянинг мақсадини, ўқувчиларни касб – ҳунарга йўллаш ишлари

самарадорлигини оширишга уларнинг дарсдан ташқари машғулоти мазмунини такомиллаштириш орқали эришиш;

- **иккинчи босқичда** – шакллантирилган мақсад асосида уни амалга ошириш йўллари белгилаб олиш, яъни дарсдан ташқари машғулотларнинг ўқувчилар эҳтиёжи ва қизиқишларига жавоб бера олувчи энг мақбул мажмуасини асослаш; ўқувчиларни машғулотларга жалб қилишда ихтиёрийлик мезонини махсус танлов методи билан уйғунлаштириш, дарсдан ташқари машғулотлар мазмунини танлашда индивидуал ва индивидуал – табақалаштирилган методлардан ўринли фойдаланиш;
- **учинчи босқичда** – дарсдан ташқари – қари машғулотлар тизими орқали ўқувчиларни касбга йўналтириш самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг шахс сифатларини ташхис қилиш методикасини амалга ошириш.

Дарсдан ташқари машғулотлар бир томондан, дарс жараёнининг узвий давоми бўлса, иккинчи томондан, ўқувчиларни касб танлашга йўллаш имкониятларини анча кенгайтиради.

Анъанавий методикага кўра дарсдан ташқари машғулотларга ўқувчилар ихтиёрийлик асосида жалб қилинган. Лекин машғулотларни ташкил этишнинг ушбу шакли бир қатор ижобий томонлари билан бирга жиддий камчиликларга ҳам эга. Жумладан, тажрибалардан маълум бўладики, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари машғулотларга нисбатан масъулиятсиз муносабатда бўлиши берилган топшириқ ва вазифаларни бажаришда интизомсизлик, жамоага алоқадор умумий мақсадларни ҳурмат қилмаслик каби салбий ҳолатлар машғулотларнинг самарасига салбий таъсир кўрсатади.

Мазкур салбий омил таъсирини камайтириш ва ўқувчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондира оладиган дарсдан ташқари машғулотлар шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун дастлаб ўқувчиларнинг қизиқиш доирасини белгилаб олиш ҳамда уларни касбга

йўналтириш учун хизмат қилувчи машғулотлар шаклини тўғри танлаш керак. Бунинг учун махсус тест – сўровнома ишлаб чиқиш зарур.

Дардан ташқари машғулотлар ўқувчиларнинг ўз иқтидорини, мустақил ижодий фикрлаш қобилиятларини ёрқинроқ намоён этиши учун кенг имкониятлар очиб беради. Бу ҳол ўқув дастурида кўзда тутилганидан кўра мураккаброқ вазифалар қўйишга ва уларни ҳал этишга асос бўлади. Ихтиёрийлик мезонининг ўқувчи қизиқишлари билан уйғун ҳолатда қўлланилиши ўқувчилар ташаббускорлиги юқорироқ бўлишини таъминлайди. Шу туфайли дардан ташқари иш жараёнида касб – ҳунар таълимининг асосий вазифаларини бажариш бўйича яхши натижаларга эришилади.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар касбий тарбия асосидаги дардан ташқари машғулотлар вазифаларини қуйидагича ифодалаш имконини беради:

1. меҳнат ёки касб – ҳунар таълими давомида ўқувчилар олган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, умумлаштириш ҳамда кенгайтириш;
2. унумли меҳнатга асосланган ижодий фаолиятга ўқувчиларни жалб қилиш;
3. ҳозирги замон ишлаб чиқариш асослари ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш;
4. халқ хўжалигининг замонавий эҳтиёжлари асосида касб танлашга тайёрлаш;
5. меҳнатга бўлган ижобий муносабатни шакллантириш.

Дардан ташқари машғулотлар турли шаклларда амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, таълим муассасаларида ўқувчиларни касбга йўналтиришга асосланган дардан ташқари машғулотларнинг барча шаклларида фойдаланиш шубҳасиз, самарали натижаларга олиб келади.

2.3. Ихтисосликка доир асосий тушунчалар

Билим – назарий маълумотларда ифодаланган ва ишлаб чиқариш топшириқларини онгли равишда бажариш учун зарур умумлашган тажрибадир. Билимларни ўзлаштириш, фактларни, ходисаларни, тушунчаларни ва қонуниятларни билиб олишдир.

Кўникма – инсоннинг ўзидаги билимларига таяниб ва маълум талабларга риоя қилиб меҳнат жараёнларини бажара олишидир. Ўқувчилардаги кўникма бирор ишни бажариш учун зарур ва етарли даражада эпчил ҳаракатдан иборат бўлади.

Малака – онгли равишда бажариладиган ишнинг бир ҳил меҳнатни кўп марта такрорланадиган автоматлашиб кетган таркибий элементдир.

Касб – инсоннинг доимий такрорланиб турадиган ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб, у умумий ва махсус таълим олиш билан, ўзлаштирилган билим ва малакаларни талаб қилади.

Ихтисос – касбдан жамиятда меҳнат тақсимооти натижасида вужудга келган ва шахс томонидан мукаммал эгаллаб олинган тор меҳнат фаолиятидир. Масалан: механик, токар, чевар, ошпаз, нонвой ва ҳ.к. кишининг касб маҳоратини, ҳунарни эгаллаш жаражасидир. Ишчининг малакасини, таъриф разряди, класс ёки унвон билан белгиланади (3 разрядли чилангар, 2 – класс хайдовчи, пўлат қуювчининг шогирди ва ҳ.к.).

Ишлаб чиқариш жараёни – ҳар қандай машина меҳанизм ва хатто айрим деталларни яратиш.

Технологик жараён – ишлаб чиқаришнинг бир қисми бўлиб, ҳар қандай буюмни яратиш учун ашёлар ҳолатини ўзгартиришдан (қуйиш, қирқиш йўли билан ишлов бериш, йиғиш ва ҳ.к.) иборатдир.

Технологик операция – технологик жараённинг бир иш ўрнида битта ёки бир неча ишчилар охиригача бажарадиган қисмидир. Масалан: арралаш, эговлаш ва ҳ.к.

Иш усули – ишчининг технологик операцияда айрим технологик ўтишларни бажаришдаги ҳаракатлари мажмуидир. Масалан: эговни қўлга

олиш, тўғри иш ҳолатида туриш, эгов билан илгариланма – қайтма ҳаракатларни бажариш ва х.к.

Меҳнат ҳаракати – ишчининг бирон технологик ўтиш элементини бажариши. Масалан: бир вақтнинг ўзида зубило ва болғани қўлга олиш ва болғани қўлга олиш учун нерв – мускул фаолиятини ишга солишдир.

Иш ҳаракати – ишчининг бирор технологик ўтишни бажариш учун, масалан: болға билан зубулони уриш каби меҳнат ҳаракатларининг мажмуидир.

Катта ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар шароитида инсон омилининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ҳаётнинг барча жабҳаларида, ижтимоий соҳаларида, маданий – маиший йўналишларда фаолият кўрсатаётган, бошқариш тармоқларида хизмат қилаётган шахсларнинг онгли, фаол, ижодкор, янги техника ва технология сирларини яхши ўзлаштирган, фазилатли, бир сўз билан айтганда, маданиятли бўлишини замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Лекин киши ўз – ўзидан маданиятли бўлиб қолмайди. Маданиятли бўлиш учун инсон доимо ўз – ўзини тарбиялаб бориши зарур. Унинг ўз – ўзини тарбиялаши характерини шакллантириш, маданиятини камол топтириш, ўзида қимматли инсоний қадриятларини онгли равишда ривожлантириш йўлидир. Киши ўзини – ўзи тарбиялашда интилмас экан, бошқалар уни тарбиялай олмайди, унга тарбиявий таъсир кўрсатиши мумкин, холос. Маданият асоси эса таълим – тарбиядир. Таълим – тарбиясиз маданият йўқдир.

Киши касб маданиятининг ҳам қатор асослари мавжуд. Масалан, маънавиятимиз, ахлоқсиз, сиёсий қарашларсиз, ҳуқуқий билимсиз, хушмуомалаликсиз, яхши хулқ – атворсиз, ижодкорликсиз, бир сўз билан айтганда, инсоний фазилатларсиз касб маданиятини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ҳолбуки, турли соҳа мутахассислари, хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари, тиббиёт ходимлари, айниқса, ўқитувчи, устоз – мураббий, раҳбарларнинг касб маданияти юксак бўлиши лозим. Уларнинг

маданиятсизлиги нафақат ўзларига, балки миллатга зарар келтиради. Маданиятсизлик маънавиятсизликдандир. Маънавият бўлмаган жойда маданият нима қилсин? Кишининг маънавияти унинг касбий фаолиятида, хулқ – атворида кўринади. Касбий соҳадаги маданиятсизлик ҳам маънавий носоғломликдан келиб чиқади. Демак, маънавият касб маданиятининг асосий унсурларидир. Касб маданиятини ривожлантириш омилларидан бири бу – **кишининг маънавиятини камол топишидир.** Маънавий камолот ўз – ўзини тарбиялаш орқали амалга ошади. Ўз – ўзини тарбиялашнинг ҳеч қачон кечи йўқ, фақат истак бўлса бас. Бу дунёда, агар истак бўлса, ўз хулқ – атворини “тўғрилай” олмайдиган инсоннинг ўзи бўлмаса керак.

Маънавият маданият асоси дедик, бироқ Президент И.А.Каримов айтганидек, “маънавият тақдирнинг эҳсони эмас, маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбдан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиш лозим”.

Касб маданиятини шакллантиришнинг **иккинчи омили касбий фаолиятни ривожлантиришидир.** Касбий фаолиятни ривожлантирмай туриб, касбий маданиятга эришиб бўлмайди. Касбий фаолият соҳасида ўз – ўзини фаоллаштирмаган, ўзлигини, инсоний моҳиятини, ижодкорлигини, касбий лаёқатини ривожлантира олмаган одам ожиз киши бўлиб қолаверади. Демак, касб маданиятининг шаклланиши учун касбий билим ва тажриба, ижтимоий фаоллик, ахлоқий фазилатлар ўта муҳимдир.

Билим ва билим олиш маданият дегани эмас, уни эзгу мақсадлар йўлида қўллай билиш маданиятидир. Ўз маданиятини юксалтириш – инсоннинг маънавий эҳтиёжига айланиши зарур. Маънавий эҳтиёж маънавий соҳада фаолият кўрсатишни талаб этади. Фаолият меҳнат демакдир. Меҳнат эса инсонни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялайди.

Умуман, тарбия ва маънавиятни бир – биридан ажратиб бўлмайди. Улар бир – бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар бир халқнинг ўзига хос тарбия усуллари мавжуд. Улар халқнинг моддий ва маънавий маданияти ривожига боғлиқ равишда шаклланган. Халқимизнинг асрдан – асрга,

авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қадриятлари, анъаналари, урф – одатлари зийнатланган тарзда маънавиятимиз ва миллий тарбиямизда ўз афодасини топиши лозим. Зеро, бугунги кунда касбий фаолият жараёнида касб маданияти ижтимоий заруратга, инсоннинг маънавий эҳтиёжига айланиб борар экан, кишиларда касб маданиятининг, касбий тарбиянинг ўрни ўта муҳимдир. Лекин инсон тайёр касб маданияти билан туғилмайди. У касб маданиятига узлуксиз касбий ва ахлоқий тарбия орқали эришади. Демак, касб маданиятини шакллантиришнинг **учинчи омили касбий тарбиядир.**

Касб – ҳунар таълими ўқувчи – ёшларга тегишли мутахассисликлар бўйича билим беришни, уларни амалиётга ўргатишни назарда тутса, касбий тарбия эса уларнинг онги, тасаввури, дунёқараши, хатти – ҳаракати, ҳис – туйғулари, феъл – атворига таъсир кўрсатиш ва меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартиришни ўз олдига асосий масала қилиб қўяди. Бизнингча, таълим – тарбия воситалари ёки амалларисиз касб – ҳунар ўрганаётган ўқувчиларда касб маданиятини шакллантириш амри маҳолдир. Демак, таълим – тарбияда касб маданиятини шакллантириш масаласига алоҳида муаммо тарзида қарамоқ зарур. Кўп ҳолларда касб маданияти дейилганда кишининг касбий фаолиятини доирасидаги ахлоқ – одоби, юриш – туриши, жамоа орасида ўзини тута билиши, ҳамкасблари билан яхши муомала – мулоқот қилиши, озода кийиниб юриши, камтар, ишни ташкил эта олиши ва бошқалар тушунилади. Уларнинг барчаси киши маданиятининг ўзига хос кўрсаткичларидир. Аммо кишининг касб маданияти фақат унинг касбий фаолияти доирасидаги ахлоқий меъёрлар ва тартиб – қоидаларга амал қилишдагина иборат эмас. Бундан келиб чиқадики, касб маданиятини фақат касбий фаолият доирасидагина ўрганиш, таърифлаш, талқин қилиш, тушунтириш тўғри бўлмайди. Гарчанд касб маданияти тушунчаси касбий фаолият билан боғлиқ масалаларни, инсоннинг касб соҳасидаги маънавий – ахлоқий камолоти муаммоларини теранроқ ойдинлаштириб берса – да, уни кишининг умумий маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда қарамоқ лозим.

Албатта, касб маданияти киши касбий фаолиятининг барча кирраларини камраб олади. Кишининг касбий фаолияти, ижодкорлиги, маҳорати, муносабат – мулоқоти, амалий ва назарий ишлари, ишлаб чиқариш ёки меҳнат жараёнидаги ютуқлари асоси унинг касб маданиятини қанчалик ўзлаштириб олганига боғлиқдир. Касб маданиятининг заминида меҳнат ётади. Меҳнат кўникмасини эгалламай, меҳнат қилишга ўрганмай касб маданиятини ҳам шакллантириб бўлмайди.

Касб маданияти шаклланишига ҳам ўзига хос субъектив, объектив омиллар таъсир қилади. Субъектив омил киши шахсиятининг хусусиятлари, ҳаётий эҳтиёжлари билан белгиланади. Объектив омил эса шахс яшаётган ижтимоий муҳитга, шунингдек, у фаолият кўрсатаётган жамоадаги моддий ва маънавий шарт – шароитларга боғлиқ бўлади.

Киши ўзи севган касб – кор ёки ҳунарга бўлган қизиқиши, эҳтиёжини қондиришга интилар экан, шубҳасиз, касб маданиятини ҳам юксалтиришга ҳаракат қилади, бу борада фаолият кўрсатади, меҳнат қилади, изланади, ижод қилади, яратади. Бу сифатлар айниқса касб –ҳунар сир – асрорларини мукамал билишга интилишда кўзга ташланади. Қайси соҳада бўлмасин киши ақлий, ҳиссий, тажрибавий билиш орқалигина камол топади. Касбий маданият ҳам бундан мустасно эмас. Касб – ҳунар таълими ҳам билиш ва камол топишнинг ўзига хос йўлидир.

Киши касб маданиятининг шаклланишида ўз касб – корига бўлган қизиқиш – эътиборидан ташқари, яна ташаббускорлиги, ташкилотчилиги, мақсад сари қатъий интилувчанлиги, ўз – ўзига талабчанлиги, жамоа аъзоларининг ўзига хос хусусиятларини чуқур кўрсата билиши, ўз фаолияти ва ишга танқидий муносабатда бўлиши, Ватан, жамият, халқ, одамлар олдидаги масъулият ва бурчини тўла ҳис қилиш каби қатор субъектив омиллар ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ҳар қалай, инсоний фазилат бор жойда эзгуликка муҳаббат, эзгуликка муҳаббат бор жойда ижодкорлик, ижодкорлик бор жойда эса маданият мавжуддир. Бироқ касб маданиятининг шаклланиши учун хоҳиш – истак ёки

маънавий эҳтиёжларнинг ўзигина етарли эмас, балки ижтимоий соғлом муҳит, ижтимоий шарт – шароит, касбий муносабатларни белгилаб берадиган воситалар ҳам муҳимдир. Бир сўз билан айтганда, касбий маданият инсон жамияти маданиятининг ажралмас қисмидир. Унинг асосида жамиятда амалқилаётган инсон хулқ – атвори меъёрларини белгиловчи ахлоқ ва касбий кадриятлар ётади. Масалан: киши касбий фаолиятида ҳаводек зарур бўладиган маънавий асосларни унинг маънавий маданияти таъминлайди. Зеро, инсоннинг маънавий қиёфаси унинг касб маданиятининг бош мезонларидан биридир. Маънавий қиёфасиз кишида касб маданияти бўлмайди. Инсоннинг маънавий олами қанчалик бой бўлса, унинг касб маданияти ҳам шунчалик мазмундор ва гўзал бўлади. Маънавий асос бўлмаган жойда касб маданияти йўқ. Шунинг учун ҳам, ҳар бир касб – кор эгаси, энг аввало, маънавиятнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, ижтимоий моҳияти ва мазмуни, тизими, унинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ҳамда мавқеини жуда яхши билиши зарур. Кишининг касб маданиятини аслида унинг маънавиятга бўлган муносабати белгилайди.

Маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавий баркамол инсонларсиз жамият ҳам ривожланмайди. Маънавият кишининг муайян мақсадга интилиб, келажакка ишонч билан бориши учун катта умид, куч – қудрат бағишлайди. Инсон ўз ақли, ўз кўли билан нимаики қилмасин ёки яратмасин, уларнинг туб заминида фикр, тушунча, билим, истеъдод, ижод, қобилият, шаклланган маънавият ётади.

Касб маданияти, шубҳасиз, ҳуқуқий билимга ҳам боғлиқ. Чунки ҳар бир киши амалий фаолиятида инсон жамияти томонидан белгиланган қонунларни ҳурмат қилиши, унга оғишмай риоя этишни зарурат деб билиши керак. Ҳозирги замон кишининг касбий фаолиятидаги зарурий асослардан бири бу ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий муносабатлардир.

Инсоннинг ҳуқуқий маданияти унинг касб маданиятини бойитади. Касб –кор соҳиби касбий соҳасидаги ҳуқуқий билимларнинг ижтимоий аҳамиятини ва маънавий кадрини тушуниши, фуқаролик ҳуқуқи ва

бурчининг ўзаро боғлиқлигини англаш, ижтимоий ҳодисаларни ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолай билиши керак. Ҳар қандай касб – кор соҳибининг ҳуқуқбузарлиги, қонун доирасидан четга чиқиш сабаби унинг маънавийтсизлиги, эътиқодсизлиги, номукамаллиги, умумий ва касбий маданиятининг юқори эмаслиги оқибатидир.

Айтайлик, деҳқончиликнинг сир – асрорларини, яъни ерга ишлов бериш, қачон ҳайдаш, қачон суғориш, қачон уруғ экишга тайёрлаш, экинни парваришлаш, ерга, ҳосилга ўғит бериш, ҳосилни йиғиштириш, сақлаш каби фаолияттартиб – қоидаларини билмаган, бир сўз билан айтганда, деҳқончилик маданиятидан беҳабар одам яхши натижаларга эриша олмагани каби ўқитувчи ҳам, агар педагог касб маданиятини яхши билмаса, у ўз фаолиятида педагогик муаммоларни яхши ҳал этолмайди. Унинг ўзига муносиб шогирд ёки етук кадр тайёрлаши амри маҳолдир. Демак, кишининг касбий маданиятини унинг бошқа соҳалардаги маданиятидан айри ҳолда қараб бўлмайди. Қши касбий маданиятининг юксалишида унинг ахлоқий маданияти, маънавий маданияти, сиёсий маданияти, ҳуқуқий маданияти, ҳулқ – атвор маданияти, тил – муомала маданияти, меҳнат маданияти ва бошқа маданиятларининг таъсири улкандир.

Ҳар бир ўқитувчининг фаолияти назарий машғулотларда ҳам амалиётда ҳам бевосита сўз билан, тил билан, нутқ билан боғлиқдир. Чунки ҳар бир дарс ёки машғулотда ўрганиладиган мавзунини ўқувчиларга шунчаки гапириб ёки сўзлашиб бериш билан чекланиб қолмаслиги, айтиш чоғда уни жонлантириши, образли қилиб, бадиий тарзда талқин этиши лозим. Демак, ўқитувчининг касбий фаолиятида унинг нутқ маданияти ҳам муҳимдир.

Масалан, интонация нутқнинг зарурий ифода усуллари билан бири ҳисобланади. Тўғри танланган интонация – мусиқийлик, оҳанг, тон, пауза, урғу, темп ва бошқалар нотик нутқини жонли, ишонарли ва жозибали, аниқ ва равон қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи ўз айтар сўзи билан тингловчига ва унинг руҳий дунёсига таъсир кўрсатади. Бу таъсир кучи эса ўқитувчининг

касб маҳорати, касб маданияти, унинг сўзларни қандай танлай билиши ва кўллай олиш санъатига боғлиқ бўлади. Ўқитувчининг касб маҳорати, санъатнинг сехр – қудрати ҳам унинг сўзидадир. Демак, касб маданиятида ўқитувчи нутқининг аҳамияти жуда беқиёсдир.

Инсонларнинг барча жабхаларда, яъни ақлий, маънавий, жисмоний, касбий йўналишларда ривожланишининг асосий замини ҳам маданият ва у ҳақдаги билим – тушунчалар мажмуаси ҳисобланади. Бироқ кишининг касб маданияти амалий фаолият, меҳнат, ўқиш, изланиш, тажриба орқали мустаҳкамланади.

Албатта, ўқувчининг касб маданиятини белгиловчи қатор омиллар мавжуд. Улардан бири ўқитувчининг дасрни замонавий ташкил эта билиши, тўғрироғи, ўтадиган дарснинг замонавий бўлишидир. Ўқитувчи ўз фаолиятини ҳамisha танқидий таҳлил этиши, маҳоратини ошириши, ишга ижодий ёндаша билиши, ўқувчиларга намуна бўлиши лозим. Бундан ташқари, у доимо ўқув – тарбиявий жараёни такомиллаштириб бориши зарур.

Ҳозирги вақтда ўқувчиларни касб – ҳунарга, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш муҳим вазифадир. Ўқитувчининг бу борадаги муваффақиятининг энг асосий кўрсаткичи, бу – дарс сифатидир. Чунки худди ана шу дарс жараёнида ўқитувчининг касб маданиятини, шахсини, ўқувчилар билан ўзаро муносабатини, маҳоратини, ўз касбига бўлган эътибор – қизиқишини, касбий лаёқатини, ўқувчиларнинг билим олиши, дарсликлардан фойдаланиши ва тарбияланганлик даражасини кузатиш ҳамда уларга баҳо бериш мумкин бўлади.

Касб – ҳунар таълими муассасаларида предметлардан, махсус фанлардан бериладиган дарслар замонавий бўлиши учун ўқитувчи ҳозирги замон педагогикаси ютуқлари, техникаси ва технологияси, дидактика ва ўқитиш методикасини жуда пухта ўзлаштирган бўлиши лозим.

Ҳозирги вақтда дарс сифати ва самарадорлигини ошириш учун учлик принципи, яъни таълим, тарбия, ўқувчининг ривожланиши (шахс йўналиши

ва касбий соҳаларда) бирлиги ўта муҳимдир. Бу мақсадга йўналтирилган ҳолда ўқувчиларга тарбиявий ва ривожлантирувчи таъсири кўрсатишни талаб этади. Зеро, ўз – ўзидан ўзлаштирилган билим бу ҳали автоматик равишда ўқувчиларнинг маънавияти, шахси, дунёқараши шаклланиши имкониятини беради деган сўз эмас. Ўқитувчи ўқувчи шахс бўлиб етишиши учун қатор ижтимоий тадбирларни амалга ошириши лозим. Таълим – тарбияда уларни назарда тутмасдан туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бу ўқувчиларни миллий истиқлол мафкураси, миллий ғоя, миллий кадриятлар, диний ва дунёвий билимлар орқалигина етув шахс қилиб тарбиялаш мумкинлигини кўрсатади.

Ўқувчи таълим ва тарбия берувчи, маданият элтувчидир. Шу боис унинг жамиятда алоҳида ўз ўрни бор. Бироқ кўп нарсани билиш, бу ҳали донишмандлик белгиси ёки сабоқ бериш ҳуқуқи дегани эмас. Педагогика фани қоидаларини билмасдан туриб, ўқитувчи касбий маданиятини юксалтира олмайди. Касбий маданият – касбий соҳада ютуқларга эришмоқ натижаси. Касбий соҳада ўқитувчи муваффақиятга эришиши учун у машғулотларга тайёрланишда дидактик йўналишда ишлаб чиқилган дарсни ташкил этиш қоидаларига таяниши лозим:

- ✓ **биринчи** – айти дарснинг мақсадини аниқлаш, яъни нимага эришиш лозимлигини белгилаш;
- ✓ **иккинчи** – ўрганиладиган материалнинг ҳажмини аниқлаш, яъни материални қўйилган мақсад ва ўқувчиларнинг имкониятларига қараб белгилаш, билимни амалиёт билан боғлаш;
- ✓ **учинчи** – дарснинг дидактик масалаларини шакллантириш, уларни кетма – кет ҳал этиш натижасида мақсадга эришиш;
- ✓ **тўртинчи** – қўйилган мақсадга мувофиқ ҳолда услуб ва усулларнинг энг мақбул бирлигини танлаш;
- ✓ **бешинчи** – дарсни аниқ ташкил этишни таъминлаш учун унинг тузилишини аниқлаш, режа асосида ўрганилиши, яхлитлиги,

ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг бирлиги, ўқитувчининг ўқув – билиш жараёнини бошқара билиш имконияти;

- ✓ **олтинчи** – дарсда режалаштирилган барча дидактик масалаларни ҳал этиш ва уларни ўқувчиларга уйга вазифа тарзида бермаслик.

Машғулотларни ана шу тарзда ташкил этиш ўқитувчининг касбий маданияти элементларидан биридир.

Умуман, цивилизация инсоннинг Инсон сифатида шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Айнан инсоннинг маданият ярата билиш қобилияти уни ҳайвонот олаmidан кескин ажратиб туради. Айнан маданиятнинг ривожланиш даражаси билан инсон эволюцияси (тадрижий такомили) нинг қуйи ва юқори босқичлари бир – бирдан фарқ қилади.

Инсоннинг ҳар қандай вазифаси ташқи олам билан боғлиқ. Биз теварак – атрофдаги одамларни кузатиб, ўйлаймиз, мулоҳаза юритамиз ва улардан кўп нарсаларни ўрганамиз. Жамиятда тўпланган билимлар асосида инсон ўзининг турли қобилиятларини ривожлантиради.

Шубҳасиз, ўқитувчининг касб маданияти унинг касб маҳорати, касбий соҳадаги ижодкорлиги билан белгиланади. Ўқитувчи маҳоратини аниқлашда унинг фаолияти Давлат таълим стандартлари талаблари ва педагогик шартларга нечоғлик мос келиши назарда тутилади. Лекин ўқитувчи маҳорати фақат шу билангина белгиланмайди.

Ўқитувчи таълим тизимида ва педагогик жараёнда ўзини бунёдкор сифатида ҳис этиши ва англаб етиши лозим. Педагог воқеликда ўз ўрнини баҳолай олмас экан, ундан ҳеч қачон ижодкорликни талаб этиб бўлмайди. Ҳолбуки, касб маданияти, касбмаҳорати, педагогикадаги муваффақият педагогик ижодкорликка боғлиқдир.

2.4. Касб – ҳунарга йўналтиришни моҳияти ва мазуни

Касбга йўналтириш – бу ҳар бир индивидумнинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ўз касбий ўрнини топиши учун шахсга таъсир этишининг илмий асосланган шакл, усул ва воситалар тизимидир. У инсоннинг касбий кизиқиши ва имкониятлари ҳамда жамиятнинг аниқ бир касбий фаолият турига эҳтиёжларининг мутаносиблигига эришишга йўналтирилгандир.

Касбга йўналтириш – моҳияти ва самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларига кўра ижтимоий – иқтисодий категориядир. Касбга йўналтиришни ҳал этиш вазифалари бўйича ижтимоий – иқтисодий, табиий – физиологик ва психологик – педагогик моҳиятга эга муаммодир. Касбга йўналтириш инсоннинг қобилияти ва иқтидорини мақсадли ривожлантиришда, унинг касб маҳорати, иш қобилияти ва саломатлигини асрашга имкон яратади ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва унинг бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим элементларидан бири сифатида намоён бўлади. Касбга йўналтириш шахснинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, унинг ижтимоий ва касбий фаоллигини ошириш ҳамда мажбурий ишсизликнинг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Касбга йўналтириш тадбирлари инсон томонидан ўз касбий малакасини оширишнинг қулай шакллари излаш, ижтимоий – иқтисодий ташаббускорлик, интеллектуал ва меҳнат мустақиллигини ривожлантиради.

Ёш авлодни онгли равишда касб танлашга тайёрлашга, уни ҳар томонлама ва баркамол ривожлантиришнинг шарт – шароити сифатида қаралади. Бу шахснинг маънавий, ақлий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбияси, яъни барча ўқув – тарбия жараёни билан узвий бирликда амалга оширилади.

Касбга йўналтириш қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

Касбий ахборот, касбий маслаҳат, касбий танлов ва саралаш, касбий мослашиш.

Касбий ахборот – маълум бир касбни эгаллаш хоҳиши бўлган шахсга, турли мутахассисликларни эгаллашнинг шакл ва шароитларига, касбий малакаларнинг ўсиш имкониятларига меҳнат бозорининг ҳолати ва эҳтиёжига, касбий қизиқишларнинг шаклланишига, шахснинг истак ва кўникмаларига қўйилган талаблар ҳамда замонавий касбларнинг истиқболи ва мазмуни тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тарғибот қилиш чора – тадбирларидир.

Касбий маслаҳат – касб танлаш ёки фаолият турини ўзгартиришда ёрдамга муҳтож бўлган шахснинг индивидуал – психологик хусусиятлари, шахсий фазилатлари, касбий қизиқишлари, мойиллиги, соғлиги, ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ўрганиш асосида психолог – маслаҳатчи билан илмий ташкил этилган ўзаро мулоқот тизимидан иборат.

Касбий танлов ва саралаш – касбий фаолиятнинг алоҳида турларига яроқлилик даражасини аниқлашга йўналтирилган шахснинг психофизиологик хусусиятлари (танлаш) ёки аниқ бир касбга бўлган психофизиологик меъёрий талаблар (саралаш) асосида шахсни ҳар томонлама ўрганиш тизимидир.

Касбий мослашиш – ишлаб чиқаришда касбий фаолиятнинг ижтимоий – психологик ва ташкилий – техник шароитларига шахсни мослаштиришга, уни мувоффақиятли равишда касбни эгаллаши учун шарт – шароитларни яратишга йўналтирилган чораларнинг мажмуавий тизимидир.

Профессиография (ахборот, ташхис, коррекцияловчи, шакллантирувчи) ва касбий ташхис (шахсни ўрганишнинг психологик, психофизиологик, тиббий ва бошқа усуллариининг мажмуи) касбга йўналтиришнинг ахборот услубий кетма – кетлигининг асоси ҳисобланади.

2.5. Касб – хунарга йўналтиришни асосий босқичлари

Касб – хунарга йўналтириш ишларини ривожлантиришнинг асосий босқичлари қуйидагича:

Биринчи босқич (мактабгача таълим ёши) – мактабгача таълим ёшидаги болаларда (катта гуруҳ) меҳнат билан банд бўладиган инсонларга, уларнинг машғулотларига, шунингдек, қўлларидан келадиган фаолият турлари бўйича дастлабки меҳнат кўникмаларини ижобий, хиссий – таъсирчан шакллантириш;

Иккинчи босқич (1 – 4 синфлар) – кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда билимга оид ва ўйин кўринишидаги ижмой – фойдали меҳнат фаолиятини амалга татбиқ қилиш орқали, меҳнатга ҳурмат, унинг инсон ҳаётида ва жамиятда тутган ўрнини англашнинг, ота – оналарининг касбларига ҳамда оммавий касбларга бўлган қизиқишини ривожлантириш;

Учунчи босқич (5 – 7 синфлар) – ўсмирларда касбий йўналганлик бўйича касб танлаш ва жамиятдаги ўз ўрнини топиш билан боғлиқ бўлган қизиқиши, қобилияти, ижтимоий қадриятларнинг изланувчан – синчков кўринишларини шакллантириш;

Тўртинчи босқич (8 – 9 синфлар) – ўқувчиларда касбий ўзликни англашни шаклланиш даври, яъни ўқувчиларни аниқ бир касбни танлашнинг шахсий маънога эгаллигини тушуниб етиши, қадриятлар тўғрисидаги ўз тасаввурларини, фаолият соҳасини танлашнинг жамият мақсадлари билан қиёсий олишини шакллантириш даври;

Бешинчи босқич (академик лицей ва касб – хунар коллежларининг биринчи курс ўқувчилари) – ижтимоий – касбий мақомни аниқлаш, яъни аниқ бир меҳнат фаолияти соҳасидаги билим ва кўникмалар ҳақида ҳар тарафлама тасаввурларни шакллантириш, уларни ўзлаштиришга киришиш, ишлаб чиқариш меҳнат жамоасининг тартиб – қоида ва қадриятларига қўшилишни шакллантириш даври;

Олтинчи босқич (касб – хунар коллежларининг охириги курс ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари) – касбий фаолиятга

киришиш. Бу касбий фаолиятга жиддий тайёргарлик ҳамда меҳнат жамоасидаги иш ва тажрибанинг шаклланиш даври;

Еттинчи босқич (катта ёшдаги меҳнат билан бўлган одамлар, ишсизлар) – шахсий имкониятлар ва олдинги касбий – ижтимоий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда бошқа касбий фаолиятга қайта йўналтириш.

Х У Л О С А

Касб танлаш инсон ҳаётидаги энг муҳим масаладир. Зеро, реал турмушда унинг бирор касб – ҳунарни мукамал эгаллаб, етук мутахассис бўлиши зарурий ҳолдир. Албатта, инсоннинг касб – ҳунар билан боғлиқ болаликдаги ҳис туйғулари, орзу – ҳаёллари ёшга хос психологик хусусият билан боғлиқ. Болаликда касб – ҳунарга ёки мутахассислик учун зарур билим, шахс сифатлари ва бошқа талаблар эътиборга олинмайди. Инсон орзуларининг реалликка айланиши эса унда маъсулият ва жавобгарлик туйғусини пайдо қилади.

Ҳар қалай, ўсмирлик ёшида касб танлаш етакчи фаолият саналади. Ўқувчи – ёшлар эртанги тақдири ҳақида ўйлашга мажбур. Чунки улар олдида жиддий ҳаётӣ масала – касб – ҳунар танлаш муаммоси туради. Улар касб – ҳунар соҳаларининг аҳамиятли жихатларига алоҳида эътибор қарата бошлайдилар. Шу боис ҳам, уларнинг ёшлик давридаги ўзгаришлар касб танлаш ва касбнинг аҳамиятига чуқур назар солишга олиб келади. Бу эса уларнинг ҳаётӣ ўз ўрнини топиш мажбуриятини кўндаланг кўяди. Касб танлаш мотивлари шаклланиши қуйидагиларга боғлиқлиги эътироф этилади.

- ота – она (давъати, касб –кори, истак - хоҳиши);
- ўқитувчи;
- ўртоқлар;
- тасодифий танлаш;
- касб – ҳунар тўғрисида тўлиқ маълумотга эгалик;
- касбга қизиқиши;
- машҳур кишилар;
- касбнинг жамиятдаги нуфузи;
- касб эгаларига хос хусусиятларни ўзида кузатиш ва бошқалар.

“Хўш, қайси бир мотив асосида ўсмир ёки ўспирин танланган касб анча самарали эгалланади” деган савол туғилиши табиӣ. Чунки бугунги кунда касб – ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасаларида мутахассис

бўлиши учун таҳсил олаётган кўплаб ёшларнинг бирор касб – ҳунарни мукамал эгаллаш борасида аниқ мақсади йўқ. Холбуки, аниқ мақсад фаолиятнинг ижобий яқунланиши мезонларидан бири. Аниқ мақсад фаолият йўналишининг тўғрилигини кўрсатади. Аниқ мақсад ёшларни ҳаётда адашишдан огоҳ этади. Мақсад асосида фаолият юритганлар мақсадсизларга караганда анча яхши ҳаёт кечирганини кўриш мумкин. Демак, касб танлаш оддий ҳойи ҳавасни эмас, балки аниқ мақсад ва онгли фаолиятни талаб этади. Бу масала шахснинг ижтимоий ўзи – ўзини белгилаш ва демак, жамият олдидаги маъсулиятини ҳис қилиш муаммосига бориб тақалади. Чунки шахс ўзининг индивидуал эҳтиёжлари билан ижтимоий талаблар ўртасидаги мувофиқликни таъминлай олиш лозим. Кўпинча шахс, айниқса, ўқув – ёшлар ижтимоий ўз – ўзини белгилай олмаслиги боис ҳаётда бирор мавқега эриша олмайди.

Ўспирин – ёшлар касб эгаллашда касб – ҳунар ва мутахассисликнинг ижтимоий нуфузига алоҳида эътибор қаратади. Натижада касблар ўртасида кескин тафовутлашув келиб чиқади. Аслида ҳар бир касб – ҳунар ва мутахассисликнинг ижтимоий аҳамияти мавжуд. Эतिकдўз ёки тикувчининг жамиятдаги ўрни ҳисобчи ёки сотувчиникидан кам эмас. Айтайлик, нўноқроқ тадбиркордан иқтидорли тикувчи кўпроқ даромад топиши мумкин.

Касб тўғрисидаги тассавурлар билан реал имкониятнинг мувофиқ келиши асосий шартлардан биридир. Баъзи ўспиринларнинг касб тўғрисидаги тассавурлари реал имкониятлардан анча йироқ бўлади. Бу зиддият салбий натижага олиб келади. Аксинча, имконият реал шарт – шароитга мос келса ижобий натижага эришилади.

Масалан, ҳисобчи бўлиш учун бу соҳага оид билимларни ўзлаштириш ва уларни амалиётга қўллаш олиш борасида етарлича қобилият ва сабр – тоқатни талаб қилади. Соатлаб бир жойда ўтириб иш бажариши учун инсондан катта ирода бўлиши керак. Фақат касб тўғрисидаги тассавурларнинг ўзигина мутахассислик бўлиб камол топиш учун етарли омил бўла олмайди. Буни ўқувчи – ёшлар онгига мунтазам сингдириб бориш

лозим. Юқорида билдирилган фикр – мулоҳазаларга асосланиб айтиш мумкинки, мутахассис сифатида камол топиш учун қатор масалаларга эътибор қаратилиши зарур:

- ◆ касбни онгли равишда танлаш;
- ◆ касб эгаллаш учун аниқ мақсад қўйиш;
- ◆ касб тўғрисидаги тасаввурларнинг реал ҳаётдан узоқ эмаслиги;
- ◆ эгалланадиган касбнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда амалий фаолиятда дуч келинадиган қийинчиликлар ҳақида тасаввур қила билиш;
- ◆ касб мотивларни чет омиллар таъсирида эмас, шахс эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш;
- ◆ касбнинг ижтимоий нуфузи ва қадр – қимматини яхши билиш;
- ◆ мутахассис сифатида камол топиш узоқ вақтни талаб этишини англаш ва бошқалар.

Ушбу масалаларга эътибор бериш касб эгалламоқчи бўлган ҳар ўспирин қолаверса, ўқитувчи ва ота – она учун ўта муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили” Т. 1995 й. 23 б.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т. 1998 й. 68 б.
3. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т. 1997 й. 63 б.
4. Бабанский Ю.К. “Ҳозирги замон умумтаълим мактабида ўқитиш методлари” Т. 1990 й. 230 б.
5. Булатов С.С. “Ёшларга ҳунар ўргатишни миллий-анъанавий асарлари (методик тавсиянома)” Т. 1999 й. 20 б.
6. Аоробев А.И. “Меҳнат таълими ва касб танлашга йўллаш методикаси” Т. 1980 й. 208 б.
7. Давлатов К. “Меҳнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси” Т. 1992 й.
8. Давлатов К. “Меҳнат ва касб таълими, тарбиясидан амалий машғулотлар” Т. 1999 й.
9. Скакун В.А. “Ишлаб чиқариш таълими устози учун қўлланма” Т. 1992 й.
10. Болтабоев С. “Касб таълими методикаси” Т. 2002 й.
11. Толипов У. “Касбий педагогикаси” Т. 2001 й. 100 б.
12. Тхоржевский Д.А. “Меҳнат таълими методикаси” Т. 1982 й. 80 б.
13. Меҳнат таълимидан умумий ўрта таълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари “Таълим тараққиёти 4-махсус сон” 1999 й.
14. Меҳнат таълимидан АЛ ва КХК учун ўқув дастури Т. 2002 й.
15. Толипов У. “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимидан давлат таълим стандартини амалиётга жорий этиш”. Методик қўлланма-Т. 2002 й.
16. Турсунов А.И. “Педагогика курси” 1997 й. 232 б.

17. Шодиев Н. “Талабаларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш” Т. 1987 й. 232 б.

Қўшимча адабиётлар

1. Маърифат газетаси 2007-2011 йй.
2. Халқ таълими журнали 2000-2011 йй.
3. Таълим тараккиёти журнали 2010 -2011 йй.
4. Касб-ҳунар таълими журнали 2000-2011 йй.
5. Узлуксиз таълим журнали 2005-2011 йй.
6. Макта ва ҳаёт журнали 2010-2011 йй.

ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Bob kizlik. Lesson Planning, Lesson Plan Formats and Lesson Plan Ideas.. [www. ADPRIMA com.](http://www.ADPRIMA.com)
2. Околелов О.П. Дистанционное обучение: сухность, дидактические особенности технологии. <http://www.lipetsk.ru/legi>
3. Мила Новик. Современнуе технологии в образовании (продолжение) [www. dvgu.ru](http://www.dvgu.ru)
FumuF didjest Fnew knowF yar 99F mainkn 99.htm.